

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРИНИ УМУМИЙ ВА ЯККА ПРОФИЛАКТИКА ҚИЛИШДА АМАЛИЁТДА УЧРАЁТГАН ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ КАМЧИЛИКЛАР ВА СОҲАВИЙ МУАММОЛАР

Э.Э.Исаев

Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқоти институти мустақил изланувчиси.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18361028>

Аннотация. Ушбу мақолада вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларининг умумий ва якка профилактикаси соҳасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар самарадорлигига таъсир қилувчи ташкилий-ҳуқуқий камчиликлар ва соҳавий муаммолар ҳар томонлама таҳлил қилинган. Миллий қонунчиликдаги ҳуқуқий бўйлиқлар, идоралараро ҳамкорлик механизмларининг етарли даражада самарали ишламаётгани, профилактика субъектлари ваколатлари ўртасидаги мувофиқлаштириш муаммолари ҳамда амалий фаолиятда учраётган методологик нуқсонлар илмий асосда баҳоланади. Шунингдек, мактаб, маҳалла, ички ишлар органлари, ювенал профилактика инспекторлари, комиссиялар ва нодавлат секторнинг ўрни танқидий таҳлил этилиб, вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларини барвақт олдини олишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни такомиллаштириш бўйича амалий таклиф ва тавсиялар илгари сурилган.

Калит сўзлар: вояга етмаганлар, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, умумий профилактика, якка профилактика, идоралараро ҳамкорлик, ҳуқуқий бўйлиқлар, ташкилий камчиликлар.

Аннотация. В данной статье проведен комплексный анализ организационно-правовых недостатков и отраслевых проблем, возникающих в процессе общей и индивидуальной профилактики правонарушений среди несовершеннолетних. Научно обоснованно рассматриваются пробелы национального законодательства, недостаточная эффективность межведомственных механизмов взаимодействия, несогласованность полномочий субъектов профилактики, а также методологические сложности, наблюдаемые в практической деятельности. Особое внимание уделено роли школ, махаллей, органов внутренних дел, инспекторов по делам несовершеннолетних, комиссий и негосударственного сектора. На основе анализа предложены практические рекомендации по совершенствованию комплексной системы ранней профилактики правонарушений несовершеннолетних.

Ключевые слова: несовершеннолетние, профилактика правонарушений, общая профилактика, индивидуальная профилактика, межведомственное взаимодействие, правовые пробелы, организационные недостатки.

Abstract. This article provides a comprehensive analysis of organizational-legal deficiencies and sector-specific challenges encountered in the processes of general and individual prevention of juvenile delinquency. It scientifically examines gaps within national legislation, the insufficient effectiveness of interagency cooperation mechanisms, inconsistencies in the distribution of powers among prevention actors, and methodological shortcomings observed in practice. Special emphasis is placed on the roles of schools, mahallas, law enforcement agencies, juvenile prevention inspectors, commissions, and the non-governmental sector. Based on the findings, the article proposes practical recommendations to improve the integrated system of early prevention of juvenile offenses.

Keywords: juveniles, delinquency prevention, general prevention, individual prevention, interagency cooperation, legal gaps, organizational shortcomings.

Бугунги глобаллашув ва жадал рақамли трансформациялар даврида вояга етмаганлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш масаласи халқаро ҳамжамият олдида турган энг долзарб ва мураккаб муаммолардан бири ҳисобланади. Жаҳон криминологияси ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, замонавий ювенал сиёсатнинг самарадорлиги эндиликда қаттиққўл жазолаш механизмлари билан эмас, балки «тиклавчи адлия» (Restorative Justice) тамойиллари, эрта профилактика ва ижтимоий реабилитация институтларининг ривожланганлиги билан ўлчанмоқда.

Ривожланган хорижий давлатлар тажрибасида профилактика тизими назорат қилувчи органларнинг маъмурий фаолиятдан профессионал ижтимоий хизмат кўрсатиш моделига трансформация қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикасида ҳам Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси доирасида ёшлар сиёсати давлатнинг устувор йўналиши сифатида белгиланиб, вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг мустаҳкам қонунчилик базаси шакллантирилди. Хусусан, Конституциявий ислохотлар ва соҳага оид қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар давлатнинг бола тақдири учун масъулиятини оширишга қаратилган. Бироқ, қонунчиликдаги ижобий ўзгаришларга қарамай, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва институционал механизмларнинг реал ҳолати тизимда ҳалигача маъмурий-буйруқбозлик ва формал ёндашувлар сақланиб қолаётганини кўрсатмоқда. Глобал миқёсда кузатилаётган «оила институти инкйрози», «ўтиш даври муаммолари» ва миграция жараёнларининг салбий таъсири мамлакатимиздаги криминоген вазиятга ҳам ўз таъсирини ўтказмасдан қолмаяпти.

Шу боис, миллий қонунчилик нормаларининг ижроси ва профилактика субъектлари фаолиятининг самарадорлигини чуқур таҳлил қилиш, мавжуд тизимли бўшлиқларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этишнинг илмий асосланган йўллариини ишлаб чиқиш бугунги куннинг кечиктириб бўлмас вазифасидир. Қуйидаги таҳлиллар айнан ушбу муаммоларнинг кўлами ва илмий ечимларини ёритишга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасида вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликлари профилактикасининг ҳуқуқий асослари яратилган бўлса-да, қонун нормаларининг ижро этилиши ва институционал механизмларнинг амалий фаолияти таҳлили қатор тизимли муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Юртимизда вояга етмаганлар жиноятчилигининг ҳолати ва динамикаси профилактика тизимининг самарадорлигини баҳоловчи асосий индикатор ҳисобланади. 2010–2024 йилги ретроспектив маълумотлар ва 2025 йилнинг 10 ойлик жорий кўрсаткичлари таҳлили шуни кўрсатадики, амалдаги ҳуқуқий механизмлар умумий ва яқка тартибдаги профилактика ўртасидаги мувозанатни таъминлай олмаяпти.

Мамлакатимизда вояга етмаганлар ўртасидаги жиноятчилик ҳолатининг криминологик таҳлили шуни кўрсатадики, гарчи умумий кўрсаткичларда пасайиш динамикаси кузатилаётган бўлса-да, ҳудудлар кесимида ва жиноятларнинг тузилишида хавотирли тенденциялар сақланиб қолмоқда. 2025 йилнинг 10 ойи давомида республикада вояга етмаганлар жиноятчилиги умумий ҳисобда 11,9 фоизга камайган бўлса-да, айрим ҳудудлардаги кескин ўсиш профилактика тизимининг барқарор ишламаётганидан ва «қўл бошқаруви»га асосланиб қолганидан далолат беради.

Ушбу умумий пасайиш тенденцияси умумий профилактика чораларининг (тарғибот, тунги рейдлар, давоматни текшириш) маълум даражада самара бераётганини кўрсатиши мумкин.

Бирок, бу пасайиш барқарор тизимли ёндашув натижаси эмас, балки маъмурий назоратнинг кучайтирилиши ҳисобига эришилган вақтинчалик ҳолатдир. Сабаби, умумий профилактика кўпинча жиноятчиликнинг сабабларига эмас, балки имкониятларини чеклашга қаратилган бўлиб қолмоқда.

Бирок, ушбу ижобий динамика барча ҳудудларга хос эмас. Хусусан, Жиззах вилоятида жиноятчилик 34,5 фоизга, Самарқанд вилоятида эса 23,4 фоизга ошгани ҳудудий профилактика инспекторлари ва Идоралараро комиссиялар фаолиятидаги тизимли нуқсонларни яққол кўрсатади¹.

Ҳудудлар кесимидаги бундай кескин фарқ (диспропорция) умумий профилактика механизмларининг марказлашган стандарти йўқлигидан далолат беради. Илмий нуқтаи назардан, бу ҳолат профилактика субъектлари (ВЕИБИК, ИИБ) фаолиятининг “субъектив омил”га боғланиб қолганини англатади. Яъни, қайси ҳудуд раҳбари қаттиққўл бўлса, ўша ерда вақтинчалик пасайиш, эътибор сусайган жойда эса (Жиззах, Самарқанд) кескин ўсиш кузатилмоқда. Бу эса профилактика тизимининг институционал жиҳатдан барқарор эмаслигини исботлайди.

Статистик таҳлилнинг энг муҳим жиҳати – бу турли ёш гуруҳларидаги жиноятчилик динамикасининг қарама-қаршилигидир. 13-15 ёшлилар (кичик ўсмирлар) орасида жиноятчилик 2023 йилдаги 744 тадан 2024 йилда 366 тага тушган бўлса, 16-17 ёшлилар (катта ўсмирлар) орасида эса барқарор ўсиш кузатилмоқда, хусусан, 2022 йилда 2 434 та, 2023 йилда 2 855 та, 2024 йилда эса 2 998 та жиноят қайд этилган².

Ушбу рақамлар яқка тартибдаги профилактиканинг тизимли инқирозини фожиа эътибори. Мактабда болалар (13-15 ёш) устидан назорат қилиш осон, шунинг учун бу ерда умумий профилактика (мактаб назорати) натижа бермоқда. Бирок, ўсмир 16 ёшга тўлиб, коллежга, ишга ёки мустақил ҳаётга қадам қўйиши билан жиноятчилик кескин ошмоқда (қарийб 3000 та ҳолат). Бу шуни англатадики, бола мактабда ўқиб юрган пайтида унинг онгида ҳуқуқий иммунитет шакллантирилмаган, у билан яқка тартибда психологик коррекция қилинмаган. Натижада, ташқи назорат (мактаб) йўқолиши билан ўсмир ҳуқуқбузарлик йўлига кирмоқда. Демак, амалдаги тартиб болани тарбияламайпти, фақат “жиловлаб” турибди деган хулосага келишимиз мумкин.

Илмий адабиётларда оилавий муҳит вояга етмаган шахс хулқ-атворини шакллантирувчи бирламчи омил сифатида қаралади. Амалиёт таҳлили шуни кўрсатадики, жиноят содир этган вояга етмаганларнинг ижтимоий таркиби таҳлил қилинганда, уларнинг 1 331 нафари ёки 66,6 фоизини мактаб ўқувчилари ташкил қилади. Шунингдек, жиноятчиликнинг сабаблари ўрганилганда, 1 618 та ҳолат (81 фоиз)³ ота-онаси фарзанд тарбиясига эътиборсиз бўлган оилаларга тўғри келган.

Юқоридаги таҳлиллар, жиноятчиларнинг 2/3 қисми мактаб ўқувчиси эканлиги мактабдаги инспектор-психологлар фаолияти яқка тартибдаги ёндашувдан маҳрум эканини кўрсатади. Улар “хавф гуруҳи”даги ўқувчини жиноят содир этишидан олдин аниқлаш (early detection) ўрнига, фактларни қайд этиш билан банд.

Шунингдек, 81 фоиз жиноятчининг эътиборсиз оиладан чиқиши оила институтига фақат репрессив (жазоловчи) усуллар билан таъсир ўтказилаётганини кўрсатади.

¹ Ўзбекистон Республикаси ИИБ вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликлари бўйича 2025 йил 10 ойлик маълумотномаси.

² https://api.siat.stat.uz/media/uploads/sdmx/sdmx_data_1040.pdf. Мурожаат санаси: 15.12.2025).

³ Ўзбекистон Республикаси ИИБ вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликлари бўйича 2025 йил 10 ойлик маълумотномаси.

Муаммонинг ҳуқуқий жиҳати шундаки, **қонунчилик асосан ота-онани жазолаш йўлидан бормокда**. Маълумот учун, 2025 йилнинг ўтган даврида фарзанд тарбиясидаги мажбуриятларини бажармаганлиги учун 136 309 нафар ота-онага нисбатан МЖТКнинг 47-моддаси билан маъмурий чора кўрилган⁴. Бироқ, жарима қўллаш механизми тарбияси оғир болалар муаммосини ҳал қилмайди, аксинча, оиланинг иқтисодий аҳволини ёмонлаштириб, бола ва ота-она ўртасидаги конфликтни кучайтириши мумкин. Бу ерда жазоловчи орган эмас, балки профессионал ижтимоий хизмат оила билан индивидуал (якка тартибда) ишлаш кераклигини кўрсатади.

Шунингдек, ташқи меҳнат миграцияси омилининг криминоген таъсири юқорилигича қолмокда. Жиноят содир этганларнинг 94 нафари (4,7%)⁵ ота-онаси узок муддатга чет элга кетган оилалар фарзандларидир. Бу ҳолат васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан ота-онаси хорижда бўлган болалар устидан ўрнатилган назоратнинг (МЖТК 47⁶-моддаси бўйича чоралар кўрилишига қарамай) формал характерга эга эканлигини кўрсатади.

Якка тартибдаги профилактиканинг энг сўнгги чораси сифатида 2025 йилда 12 691 нафар назоратсиз қолган бола Ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларига (ИХЁМ) жойлаштирилган. Ушбу марказлардаги профилактик ишлардан сўнг, уларнинг 11 719 нафари (мутлак кўпчилиги) яна ўз ота-оналарига ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларга қайтарилган.

Ушбу статистик маълумотлар тизимдаги жиддий хатони – «айланма эшик» (*revolving door*) эффектини очиб беради. Юқоридаги таҳлиллардан кўришимиз мумкинки, вояга етмаганлар жиноятларининг 81 фоизи ота-онаси эътиборсиз бўлган муҳитдан чиқмокда. ИХЁМ тизими болани вақтинчалик изоляция қилади, лекин уни қайтариб берадиган муҳитни (оилани) соғломлаштириш билан шуғулланиш масаласи муаммолигича қолмокда. Болани ҳуқуқбузарликка ундаган ўша носоғлом муҳитга, ҳеч қандай ижтимоий патронажсиз қайтариш – бу унинг такрорий ҳуқуқбузарлик (рецидив) содир этишига замин яратиш демакдир. Бу ҳолат амалиётда вояга етмаган шахслар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасининг узвийлиги (*continuity of care*) таъминланмаганини кўрсатади.

Амалиётда “E-Voyaga yetmagan” платформаси ишга туширилиб, 12 691 нафар боланинг электрон базаси шакллантирилган. Бироқ, гарчи рақамлаштириш йўлга қўйилган бўлса-да, у ҳозирча фақат статистик ҳисобга олиш функциясини бажармокда. Масалан, жиноят содир этганларнинг 29 нафари сурункали ичкиликбоз, 2 нафари гиёҳванд оила фарзандларидир. Соғлиқни сақлаш вазирлиги базасида мавжуд бўлган ушбу “хавф омиллари” профилактика инспекторининг планшетида автоматик “қизил сигнал” сифатида кўринмас экан, якка тартибдаги профилактикани прогноз қилиш (*predictive policing*) имконсизлигича қолади. Тизим фактларга реакция қилишдан, воқеаларни олдиндан кўриш моделига ўтиши зарур.

Профилактика субъектлари фаолиятидаги ташкилий-ҳуқуқий камчиликлар кўпинча вояга етмаганлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликларнинг камаймаслигига, баъзи ҳолларда эса латент (яширин) жиноятчиликнинг ортишига сабаб бўлмокда.

⁴ Ўзбекистон Республикаси ИИВ вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликлари бўйича 2025 йил 10 ойлик маълумотномаси.

⁵ Ўзбекистон Республикаси ИИВ вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликлари бўйича 2025 йил 10 ойлик маълумотномаси.

Уқоридагилардан келиб чиқиб, мазкур тадқиқотда умумий ва яқка тартибдаги профилактика чораларини қўллаш жараёнида юзага келаётган асосий муаммоларни шартли равишда уч гуруҳга бўлишимиз мумкин:

биринчиси, институционал-ташкилий муаммолар;

иккинчиси, кадрлар салоҳияти ва юклама масаласи;

учинчиси, профилактик чораларни қўллашдаги ҳуқуқий коллизиялар.

Миллий қонунчиликка кўра, Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссия (ВЕИБИК) профилактика тизимининг асосий мувофиқлаштирувчи органи ҳисобланади. Бироқ, ўтказилган ўрганишлар ва амалиёт таҳлили шуни кўрсатадики, ушбу тузилма бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб бераёпти.

Биринчидан, комиссияларнинг **жамоатчилик асосида** фаолият юритиши энг катта тартибий камчиликдир. «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги Қонун⁶нинг 8-моддасига биноан, комиссияларга ҳоким ўринбосарлари раислик қилади. Маълумки, маҳаллий ижро ҳокимиятида ҳоким ўринбосарларининг иш юкламаси шундоқ ҳам юқори бўлиб, улар вояга етмаганлар муаммолари билан тизимли, кундалик тарзда шуғулланиш имкониятига эга эмаслар. Натижада, комиссия иши кўпинча котиб (агар штатда бўлса) ёки бириктирилган бошқа ходим зиммасига тушиб қолади.

Иккинчидан, комиссия фаолияти **реактив характерда** қолмоқда. Яъни, комиссия аъзолари кўпинча ҳуқуқбузарлик содир этилгандан сўнг ёки муаммоли вазият (оилавий низо, суицидга уриниш) юзага чиққачгина ҳаракатга келадилар. Профилактиканинг моҳияти бўлган «эрта аниқлаш» (early detection) механизми ишламаяпти. И.Исмоилов ва Д.Қоракепаковлар таъкидлаганидек, «Комиссиялар реабилитация маркази эмас, балки кичик жазолаш органига айланиб қолган»⁷. Уларнинг асосий вақти маъмурий баённомаларни кўриб чиқиш ва ота-оналарни жаримага тортиш билан ўтмоқда.

Ички ишлар тизимида вояга етмаганлар масалалари бўйича инспектор-психолог лавозимининг жорий этилиши ижобий қадам бўлди. Аммо амалиётда ушбу институт куйидаги жиддий муаммоларга дуч келмоқда:

Биринчиси, **номутаносиб иш юкламаси**. Амалдаги меъёрларга кўра, бир нафар инспектор-психологга ўртача 2000 нафаргача ўқувчи тўғри келади. Халқаро стандартларда мактаб психологи ёки ижтимоий ходим учун бу кўрсаткич 250-500 нафарни ташкил этади. Бундай катта контингент билан сифатли яқка тартибдаги профилактика олиб бориш жисмонан имконсиз.

Иккинчиси, **функционал вазифаларнинг аралашиб кетиши**. Инспектор-психологлар бир вақтнинг ўзида ҳам ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходими (форма кийган, погонли ходим), ҳам педагог-психолог вазифасини бажариши лозим. Амалиётда улар кўпроқ қўриқлаш функцияларига (давоматни текшириш, мактаб ҳудудида тартиб сақлаш, тунги рейдларда қатнашиш) жалб қилинмоқда. Бола руҳияти билан ишлаш, коррекцион дастурлар тузиш иккинчи даражали вазифага айланиб қолган. Бу эса болаларда «психолог»га нисбатан ишончсизликни, «полициячи» сифатида кўрқувни шакллантиради.

⁶ О'zbekiston Respublikasining 29.09.2010 yildagi O'RQ-263-son « Voyaga yetmaganlar o'rtasida nazoratsizlik va huquqbuzarliklarning profilaktikasi to'g'risida»gi Qonun // <https://lex.uz/docs/-1685726>.

⁷ Исмоилов И., Қоракепаков Д. Вояга етмаганлар жиноятчилигининг криминологик тавсифи. – Т.: Академия, 2021.

Умумий профилактика чора-тадбирлари (ҳуқуқий тарғибот, маърузалар) аксарият ҳолларда эскирган усулларда олиб борилмоқда. Бугунги «Z авлоди» (Gen Z) вакиллари 40-50 дақиқалик монотон маърузалар таъсир қилмайди. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, мактабларда ўтказилаётган «Жиноятчиликка қарши кураш» мавзусидаги йиғилишлар ўқувчиларда ҳуқуқий онгни ошириш ўрнига, мавзуга нисбатан бефарқликни уйғотмоқда.

Давлат органлари фаолияти самарадорлиги кўпинча ўтказилган тадбирлар сони билан ўлчанади. Бу «тадбирбозлик»ка олиб келади. Масалан, бир кунда бир нечта ташкилот (прокуратура, ИИБ, Ёшлар агентлиги) битта мактабга бориб, бир хил мазмундаги тадбирни ўтказиши ҳолатлари кузатилади, бу эса ўқув жараёнини бузади ва болаларни толиқтиради.

Якка тартибдаги профилактиканинг энг нозик жиҳати – бу вояга етмаганларни профилактик ҳисобга олиш масаласидир. Амалдаги қонунчиликдаги ҳуқуқий бўшлиқлар қуйидаги муаммоларни келтириб чиқармоқда:

биринчиси, **«ғайриижтимоий хулқ-атвор»** тушунчасининг қонунда аниқ чегараланмагани сабабли, баъзи ҳолларда мактаб ички тартиб-қоидаларини бузган (масалан, соч қўйган ёки телефон ишлатган) ўқувчилар ҳам «хавф гуруҳи» сифатида рўйхатга олинмоқда⁸;

иккинчиси, боланинг ИИО профилактик ҳисобига олиниши унинг келажагига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Жамиятда, маҳаллада ва мактабда унга нисбатан «жиноятчи» ёки «тарбияси бузуқ» деган тамғанинг ёпиштирилиши (labeling theory) болани ижтимоий муҳитдан янада узоқлаштириб, такрорий ҳуқуқбузарликлар содир этишига туртки бўлиши мумкин;

учинчиси, ҳисобга олинган бола билан ишлаш кўпинча ундан тушунтириш хати олиш ва ойда бир марта суҳбатлашиш билан чекланади. Унинг хулқ-атворини ўзгартиришга қаратилган, илмий асосланган индивидуал коррекция дастурлари (Anger management, Social skills training) амалиётда деярли қўлланилмайди.

Гарчи норматив ҳужжатларда «Оила - Маҳалла - Таълим муассасаси» учлигининг ҳамкорлиги мустаҳкамланган бўлса-да, амалиётда ахборот алмашинуви суст. Биз буни қуйидаги икки омил билан изоҳлашимиз мумкин:

Биринчи омил, маҳалла фуқаролар йиғинларидаги «Ёшлар етакчиси» ва «Хотин-қизлар фаоли» лавозимлари жорий этилган бўлса-да, уларнинг нотинч оилаларга таъсир этиш ваколатлари чекланган. Маҳалла кўпинча муаммоли оила ҳақидаги маълумотни «худуд обрўси»ни сақлаш мақсадида яширишга ҳаракат қилади (латентлик).

Иккинчи омил, ИИБ, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги базалари ўзаро интеграция қилинмаган. Натижада, бола мактабга келмай қўйганда ёки тиббий муассасага тан жароҳати билан тушганда, бу хабар профилактика инспекторига ўз вақтида етиб бормаслиги мумкин.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, амалиётдаги асосий муаммо - профилактика тизимининг **маъмурий-назорат** (administrative-control) моделига асосланганидир. Тизим болага ва унинг оиласига инқирозли вазиятдан чиқиш учун ижтимоий-психологик хизмат кўрсатишга эмас, балки фактларни қайд этиш ва жазолашга мослашган. Бу эса институционал механизмларни тубдан қайта кўриб чиқишни, хусусан, профилактика субъекти сифатида профессионал ижтимоий иш (social work) институтини жорий этишни тақозо қилади.

⁸Ювенал адлия: халқаро стандартлар ва миллий қонунчилик / Муаллифлар жамоаси. – Т.: Baktria press, 2022.

Юқорида ўтказилган таҳлиллар, статистик маълумотлар ва амалиётдаги тизимли муаммолардан келиб чиқиб, вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликлари профилактикасининг миллий моделини такомиллаштириш бўйича қуйидаги илмий асосланган таклифлар илгари сурилади:

биринчидан, Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар (ВЕИБИК) фаолиятини жамоатчилик шаклидан профессионал ижтимоий хизмат моделига трансформация қилиш зарур. Амалиётдаги таҳлиллар шуни кўрсатдики, Комиссияларнинг ҳоким ўринбосарлари раислигида, жамоатчилик асосида фаолият юритиши Жиззах (34,5%) ва Самарқанд (23,4%) каби ҳудудларда жиноятчиликнинг кескин ошишига ва профилактика ишининг назоратсиз қолишига сабаб бўлмоқда. Шу боис, “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги Қонун⁹нинг 8-моддасига ўзгартириш киритиб, Комиссиялар қошида доимий штат асосида ишловчи юрист, психолог ва ижтимоий ходимлардан иборат **«Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш котибияти»** тузилмасини ташкил этиш таклиф этилади. Бу ўзгариш профилактикани мавсумий “кампаниябозлик”дан профессионал “кейс-менежмент” (Case Management) тизимига ўтказди.

иккинчидан, профилактика тизимидаги асосий эътибор ва ресурсларни мактаб ўқувчиларидан 16-17 ёшли «ўтиш даври»даги ўсмирлар қатламига қайта йўналтириш лозим. Статистик маълумотлар 13-15 ёшлилар ўртасида жиноятчилик камайганини (366 та), бироқ 16-17 ёшлилар орасида кескин ошганини (2 998 та) кўрсатмоқда. Амалдаги мактаб инспектори тизими ушбу катта ёшдаги қатламни қамраб ололмапти. Шу сабабли, Ёшлар ишлари агентлиги тузилмасида «16-18 ёшлиларни ижтимоий реабилитация қилиш махсус хизмати»ни жорий этиш мақсадга мувофиқ. Ушбу хизмат «уюлмаган ёшлар» (NEET) тоифаси билан манзилли ишлаб, уларни жиноят йўлидан қайтариш ва касбга йўналтириш билан шуғулланиши керак.

учинчидан, оилавий муҳитга таъсир ўтказишнинг репрессив (жазоловчи) усулидан «тиклавчи» (педагогик) усулига ўтиш талаб этилади. Жиноят содир этган вояга етмаганларнинг 81 фоизи (1 618 нафари) ота-онаси эътиборсиз бўлган оилалардан эканлиги ва 136 минг нафар ота-онага жарима қўлланиши кутилган натижани бермаганини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс¹⁰нинг 47-моддасига қўшимча киритиш таклиф этилади. Унга қўра, ҳуқуқбузарлик содир этган боланинг ота-онасига жаримага муқобил равишда **«Мажбурий ота-оналик курсларини ўташ»** мажбурияти юклатилиши лозим. Бу чора жаҳон тажрибасида (Restorative Justice) ўзини оқлаган бўлиб, оиладаги низоларни камайитишга хизмат қилади.

тўртинчидан, реабилитация жараёнининг узвийлигини таъминлаш орқали тизимдаги «айланма эшик» (revolving door) эффектини бартараф этиш зарур. Ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларига тушган 12 691 боланинг 11 719 нафари яна ўз оиласига қайтарилган. Уларнинг такроран жиноят содир этишини олдини олиш мақсадида, қонунчиликка ИХЁМдан чиққан вояга етмаганлар учун камида 6 ойлик **«Ижтимоий ҳамроҳлик»** (Social accompaniment) институтини киритиш лозим.

⁹ O‘zbekiston Respublikasining 29.09.2010 yildagi O‘RQ-263-son « Voyaga yetmaganlar o‘rtasida nazoratsizlik va huquqbuzarliklarning profilaktikasi to‘g‘risida»gi Qonun // <https://lex.uz/docs/-1685726>.

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс // <https://www.lex.uz/acts/97664#7400359>.

Шунингдек, «E-Voyaga yetmagan» ахборот тизимини Соғлиқни сақлаш ва Таълим вазирлиги базалари билан тўлиқ интеграция қилиб, «хавф гуруҳи»ни жиноят содир этилишидан олдин аниқловчи предиктив таҳлил (Predictive Policing) модулини ишга тушириш таклиф қилинади.

Таклиф этилаётган ушбу чора-тадбирлар профилактика тизимини “ҳолатни қайд этиш” (реактив) моделидан “муаммони олдиндан бартараф этиш” (проактив) моделига ўтказишга хизмат қилади.

Хусусан, 16-17 ёшлилар билан ишлашнинг янги институционал механизмини яратиш ва ота-оналарга жарима ўрнига мажбурий таълим бериш усуллари яқин истиқболда ўсмирлар жиноятчилигини қисқартириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикасида вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликлари профилактикасининг миллий қонунчилик базаси ва институционал механизмларини ўрганиш, шунингдек, 2010–2025 йилги статистик кўрсаткичларни қиёсий таҳлил қилиш натижалари қуйидаги якуний хулосаларга келиш имконини беради:

Биринчидан, амалдаги профилактика тизими ўзининг эволюцион ривожланиш босқичида «маъмурий-назорат» моделидан «ижтимоий-реабилитация» моделига ўтиш даврини бошдан кечирмоқда. Бироқ, бу жараён институционал жиҳатдан оқсамоқда.

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, умумий жиноятчиликнинг камайиши (11,9 фоизга) барқарор тизимли ёндашув натижаси эмас, балки маъмурий чораларнинг вақтинчалик самарасидир. Буни Жиззах (34,5%) ва Самарқанд (23,4%) каби йирик ҳудудлардаги кескин ўсиш динамикаси ҳамда ҳудудий профилактика органлари фаолиятидаги беқарорлик яққол тасдиқлайди.

Иккинчидан, тизимдаги энг жиддий институционал муаммо – бу профилактика субъектлари фаолиятидаги ёш гуруҳларини қамраб олишдаги номутаносибликдир.

Мактаб тизимидаги назорат ҳисобига 13-15 ёшлилар ўртасидаги жиноятчилик камайган бўлса-да, мактабдан кейинги босқич – 16-17 ёшли ўсмирлар катлами эътибордан четда қолмоқда. Ушбу ёш тоифасида жиноятчиликнинг йилдан-йилга барқарор ўсиб бораётгани (қарийб 3000 та жиноят) амалдаги механизмларнинг ёшлар ижтимоийлашувидаги «ўтиш даври» инқирозларини бартараф этишга қодир эмаслигини кўрсатади.

Учинчидан, профилактиканинг оила институти билан ишлаш механизмлари репрессив характерга эга бўлиб қолмоқда. Жиноятларнинг мутлақ кўпчилиги (81 фоизи) ота-онаси эътиборсиз оилаларда содир этилаётганига қарамай, давлатнинг асосий реакцияси ота-онани жаримага тортиш билан чекланмоқда.

Бу ёндашув оилавий муҳитни соғломлаштирмайди, аксинча, низоларни чуқурлаштиради. Шунингдек, реабилитация марказларидан чиққан болаларнинг ижтимоий патронажсиз яна ўша муҳитга қайтарилиши тизимда «айланма эшик» эффектини юзага келтириб, рецидив жиноятчиликка замин яратмоқда.

Тўртинчидан, рақамлаштириш жараёнлари фақат статистик қайд этиш даражасида тўхтаб қолган. «E-Voyaga yetmagan» тизими ва бошқа маълумотлар базалари ўртасидаги интеграциянинг йўқлиги «хавф гуруҳлари»ни олдиндан аниқлаш ва прогноз қилиш (predictive policing) имкониятини бермаяпти.

Шулардан келиб чиқиб, соҳани ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари сифатида Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларни профессионал котибиятларга айлантириш, 16-18 ёшли «уюлмаган ёшлар» билан ишлашнинг манзилли хизматини

жорий этиш, ота-оналарга нисбатан жазолаш ўрнига мажбурий ўқитиш амалиётини қўллаш ҳамда реабилитациядан сўнг «ижтимоий ҳамроҳлик» институтини мустаҳкамлаш таклиф этилди.

Мазкур чора-тадбирларнинг амалиётга татбиқ этилиши профилактика тизимини жазоловчи қуролдан бола ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ва уларни жамиятга қайтарувчи самарали ижтимоий механизмга айлантиришга хизмат қилади.